

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ГЕНОФОНДИНИ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Шукурова Шаҳноза Муқумжонова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти катта инспектори катта лейтенант.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19741119>

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадида киритилган янги ўзгартиришлар таҳлил қилинади. Муаллиф нарколабораториялар ташкил этганлик, мансабдор шахсларнинг бу соҳадаги жиноятларга шериклиги ва вояга етмаганларни гиёҳвандликка жалб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилганига алоҳида тўхталиб ўтади. Мақоланинг бош гояси — миллат генофондини асраш ва жамиятда наркотик моддаларга нисбатан мурасасиз муҳитни шакллантиришдан иборат.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик, қонунчилик, жавобгарлик, нарколаборатория, вояга етмаганлар, генофонд, профилактика, Жиноят кодекси.

Аннотация. В данной статье анализируются новые изменения, внесенные в законодательство Республики Узбекистан в целях усиления борьбы с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ. Автор акцентирует внимание на усилении ответственности за создание нарколабораторий, соучастие должностных лиц в подобных преступлениях и вовлечение несовершеннолетних в употребление наркотиков. Основная идея статьи заключается в защите генофонда нации и формировании в обществе атмосферы нетерпимости к наркомании.

Ключевые слова: наркомания, законодательство, ответственность, нарколаборатория, несовершеннолетние, генофонд, профилактика, Уголовный кодекс.

Abstract. This article analyzes recent amendments to the legislation of the Republic of Uzbekistan aimed at strengthening the fight against illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances. The author focuses on the increased penalties for establishing drug laboratories, the complicity of officials in such crimes, and the involvement of minors in drug use.

The article's main idea is the protection of the nation's gene pool and the cultivation of an atmosphere of intolerance towards drug addiction in society.

Keywords: drug addiction, legislation, liability, drug laboratory, minors, gene pool, prevention, Criminal Code.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш мақсадларини назарда тутди. Ушбу ҳужжат асосида “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури” тасдиқланиб, унга кўра 33 вазирлик ва идоралар ҳамда барча ҳокимликлар зиммасига аниқ вазибалар, тезкор-профилактик, ташкилий-тарбиявий, тарғиботташвиқот ишларини тизимли амалга ошириш

юклатилди. Чунки гиёҳвандлик — аср вабоси. У нафақат инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига, балки бутун миллатнинг генофондига жиддий таҳдид солади. Бу иллатга қарши қатъий ва тизимли курашиш, жамиятда гиёҳвандликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, наркожиноят содир этган шахслар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан саналади.

¹ Дарҳақиқат, бугун гиёҳвандлик моддалари савдоси трансчегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса жиноятларни аниқлашда янги усулларни қўллаш, замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллаш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида наркожиноятларга қарши курашишни умуммиллий ҳаракатга айлантириб, жамиятда бу иллатга муросасиз бўлиш вазифасини кўйган эди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам уюшган жиноятчилик, наркожиноятлар, кибержиноятчилик ва "яширин иқтисодиёт"га қарши мутлақо янги тизим яратиш зарурлиги белгилаб берилганди.

Яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштирилганлиги муносабати билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ гиёҳвандлик моддалари ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Мазкур ҳужжат билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда айрим қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, Жиноят кодексидаги мазкур бобда наркотикларнинг ноқонуний муомаласига ҳокимият (мансаб) ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ҳамда ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги нормалар белгиланмоқда.

Бошқача айтганда, мазкур норма мансабдор шахслар гиёҳвандлик моддалари савдосида тўғридан-тўғри иштирок этмаса ҳам, жиноий фаолиятни пинҳона қўллаб-қувватлаш имконини берувчи ҳуқуқий бўшлиқни бартараф қилади. Ўз навбатида, бу чора профилактик таъсирни ҳам кучайтиради. Чунки алоҳида жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳақида хабардорлик мансабдор шахслар ва гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар ўртасида тил бириктириш хавфини камайтиришга ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилди.

¹ John Rollins, Liana Sun. Wyler International Terrorism and Transnational Crime: Security Threats, U.S. Policy, and Considerations for Congress Congressional Research Service, 2010. – P. 4.

Афсуски, сўнгги йилларда наркотик моддаларни қўлбола усулларда ёки махсус жиҳозланган ноқонуний жойларда ишлаб чиқариш, тайёрлаш ҳамда "закладка" усулида тарқатиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда. Эндиликда бундай қилмишларни содир қилган шахслар ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этганлик учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Қонунда белгиланишича, нарколаборатория деганда, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки уларнинг аналогларини, кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун махсус ташкил этилган, бунинг учун зарур бўлган кимёвий моддалар, асбоб-ускуналар ва техник воситалар билан жиҳозланган ҳар қандай кўчар ёки кўчмас мулк объекти тушунилади. Ушбу норманинг киритилиши гиёҳвандлик моддаларини ишлаб чиқариш манбаларини барвақт аниқлаш ва баргараф этиш орқали уларнинг жамиятга тарқалишининг олдини олишга қаратилган.

Бу турдаги жиноятларга қайта қўл урилишининг олдини олиш мақсадида жиноий жавобгарлик чоралари оғирлаштирилмоқда. Хусусан, ўта оғир турдаги айрим наркожиноятлар учун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби қўлланилмаслиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, айрим жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда. Айтиш жоизки, жиноятларнинг қатъий жазоланиши қонунбузарликларни содир қилишдан огоҳлантирувчи таъсир кўрсатади, жамиятда гиёҳвандлик ва наркотик билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни камайтиришга, аҳолининг, айниқса, ёшлар ва заиф қатламлар саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, қонунчиликда жазо чораларининг кучайтирилиши ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга ноқонуний муомалага қарши самарали курашиш имконини яратади. Сир эмаски, мамлакат куч-қудрати ва тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири — бу аҳоли саломатлиги, айниқса, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш саналади.

Шу боис қонунда вояга етмаганлар ва ёшларни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан ҳар томонлама асраш, ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш чораларини кучайтириш мақсадида ҳам жазо чоралари оғирлаштирилмоқда.

Жумладан, вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи ёга моддани истеъмол этишга жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик, шунингдек, ушбу моддаларни айнан таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки уларга туташ ҳудудларда истеъмолга жалб этганлиги учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилмоқда. Бундай қатъий чоралар кўрилишининг зарурати шундаки, сўнгги йилларда жиноятчилар орасида мактаб ўқувчилари ва талабалар борлиги қайд этилаётганлигидир. Қонунга киритилаётган ўзгартиришдан асосий мақсад эса вояга етмаганлар ва таълим муассасалари фаолиятига боғлиқ ҳудудлардаги ёшларни гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлардан ҳимоялаш ва уларни мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлардан огоҳ қилиш орқали профилактик самарани ошириш ҳисобланади.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жамоат жойларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда.

Бу қонунчиликдаги янгиланишлар мамлакатда наркожиноятчиликка қарши курашнинг янги ва қатъий босқичига ўтилганидан далолат беради. Чунки гиёҳвандликка қарши кураш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг иши эмас, балки миллатнинг соғлом келажагини белгиловчи стратегик вазифадир. Жавобгарликнинг кучайтирилиши ва жазонинг муқаррарлиги — жиноятчилик занжирини узишнинг энг самарали воситаси сифатида талқин этилади.

Киритилаётган қонунчиликдаги муҳим ўзгартиришларнинг мақсади қуйидаги муҳим йўналишларга хизмат қилади: *Биринчидан, ижтимоий профилактика:* Мактаб ва олийгоҳлар атрофида жавобгарликнинг кучайтирилиши ёшларни "заҳарли" таъсирлардан ҳимоя қилиш ва улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга хизмат қилади.

Иккинчидан, коррупцияни жиловлаш: Мансабдор шахсларнинг наркотрафикка шериклиги учун алоҳида жавобгарлик белгиланиши давлат аппарати ичида "соғломлаштириш" жараёнини таъминлайди.

Учинчидан, технологик тўсиқ: Ноқонуний нарколабораториялар ва "закладка" усулидаги савдога қарши қатъий чоралар виртуал ва яширин наркобозорнинг ривожланишига тўсиқ бўлади.

Тўртинчидан, миллат генофондини асраш: Энг олий мақсад — келажак авлодни жисмоний ва маънавий инқироздан сақлаб қолиш ҳамда жамиятда гиёҳвандликка нисбатан мутлақо "тоқатсизлик" (зеро толерансе) маданиятини яратишдир.

Бешинчидан, ҳуқуқий онгни юксалтириш: Аҳолига янги қонун нормаларини етказиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва жиноят учун жазо муқаррар эканини эслатишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу мақола ва қонун ҳужжатлари Ўзбекистоннинг "ҳавфсиз ва гиёҳванд моддалардан холи жамият" барпо этиш йўлидаги муҳим қадами бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. John Rollins, Liana Sun. Wyler International Terrorism and Transnational Crime: Security Threats, U.S. Policy, and Considerations for Congress Congressional Research Service, 2010. – R. 4.
2. Kashif J. Khan, Ye.Olcay. Cutting the link between drugs and terrorists: countering major terrorist financing means. - Monterey, California: Naval postgraduate School, 2013. – R. 65.
3. Margaret Pereira. Governing drug use among young people: Crime, harm and contemporary drug use practices. - Queensland, Australia: Queensland University of Technology, 2013. – P. 3.
4. Отажонов А.А. Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.
5. Интернет сайти: <http://www.ncdc.uz>.

6. Отажонов А.А. Гиёхвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.